Дунёнинг бош масжидида энг катта соябонлар ўрнатилмоқда

15:01 / 08.10.2018 3190

Муқаддас Макка шаҳридаги Масжид ул-Ҳарамда дунёдаги энг катта соябонларнинг ўрнатилиши якунланмоқда.

Саудия Арабистони ҳаж вазирлиги манбасининг хабар қилишича, бу ажойиб иншоотлар яқин кунларда ишга туширилади.

Ҳар бир соябоннинг баландлиги 30 метр, оғирлиги эса 500 тоннани ташкил қилади. Соябонлар остидаги Масжид ул-Ҳарам ҳудудида 3500 киши намоз ўқиши мумкин бўлади.

islamisemya.com хабарига кўра, Маккада ўрнатилувчи Германияда ишлаб чиқарилган конструкциялар — 8 та йирик юқори технологияли ечимларнинг биринчи қисми холос.

Улкан соябонларнинг қуббасида катта соатлар, ҳожилар учун ахборот бериладиган мониторлар, кондиционерлар ва кузатиш камералари ўрнатилиши айтилмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти